Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими
бюджетларининг ғазна ижроси қоидаларига
8-ИЛОВА

**12.01.2022 даги**

**Янгиер шахар Электр тармоклари корхонаси ва Янгиер шахар ХТБ ўртасида 26865000,00 сўм умумий суммага тузилган 259 - сонли шартномага**

## ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ*

Боб 075

Шахсий ғазна ҳисобварақ 100022860244137092100075013

сўмда

| **2022 й. ойлар номи.** | **Харажатлар тури** (бюджет таснифининг тегишли коди)** | | | **Жами** |
|---|---|---|---|---|
| | **4221000** | | | |
| Январь | 8 955 000,00 | | | 8 955 000,00 |
| Февраль | 8 955 000,00 | | | 8 955 000,00 |
| Март | 8 955 000,00 | | | 8 955 000,00 |
| Апрель | | | | |
| Май | | | | |
| Июнь | | | | |
| Июль | | | | |
| Август | | | | |
| Сентябрь | | | | |
| Октябрь | | | | |
| Ноябрь | | | | |
| Декабрь | | | | |
| **Жами йил бўйича** | **26 865 000,00** | | | **26 865 000,00** |

Жами 26865000,00 сўм

Йигирма олти миллион саккиз юз олтмиш беш минг сўм 00 тийин
сумма сўз билан

Юқоридаги кўрсатилган суммадан ___________ сўм ёки _____% *** шартноманинг умумий суммасидан ______ % ***20___ ______________ ойида тўланиши лозим.

(*) — бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан ғазначилик бўлинмасига икки нусхада тақдим этилади;
(**) — бўлим, кичик бўлим ва харажат моддаси кўрсатилади;

(***) — Юқоридаги кўрсатилган суммадан ойига ______% жорий ойнинг _____ санасигача хар ойда олдиндан тўланиши лозим (ушбу сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш, алоқа хизматлари ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳар ой доимий равишда товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш шартномалари бўйича олдиндан тўловни амалга ошириш ҳолларида тўлдирилади).

Буюртмачи раҳбари _______________ Бердикулов Лутфулло Рустамкулович
(имзо) Ф.И.Ш.

М.Ў.

Буюртмачи бош бухгалтери _______________ Байкулова Мохира Хабибуллаевна
(имзо) Ф.И.Ш.

Ғазначилик бўлинмасининг ходими қабул қилди _______________ (имзо)

Буюртмачи ходими қабул қилди _______________ (имзо)

«___» ________________ 20___й.

«___» ________________20___й.

**БЮДЖЕТ ИСТЕЪМОЛЧИЛАР УЧУН ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ ШАРТНОМАСИ**

20 22 йил 12 01 259 -сон Янгиер ш
Т(Ш)ЭТК номи

Сирдарё ХЭТК АЖ асосида фаолият юритувчи Янгиер ШЭТК (туман(шахар) электр таъминоти корхонаси номи)

раҳбари А.Жабборов (туман(шахар) электр тармоклари корхонаси раҳбарининг Ф.И.О.) (кейинги ўринларда "Корхона" деб аталади) бир томондан ҳамда низоми асосида фаолият юритувчи Янгиер шаҳар Халқ таълими бўлими (истеъмолчининг номи)

раҳбари Л. Бердикулов (истеъмолчи раҳбарининг Ф.И.О.) (кейинги ўринларда "Истеъмолчи" деб аталади),

хисоб раками – | 2 | 5 | 9 | | | | | иккинчи томондан мазкур шартномани куйидагилар тўғрисида туздилар:

## I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

Ушбу электр таъминоти шартномасига (кейинги ўринларда - **Шартнома** деб аталади) мувофик, Корхона Истеъмолчига электр энергиясини

уланган тармок оркали етказиб бериш ва Истеъмолчи истеъмол килинган энергия учун ўз вактида хак тўлаш мажбуриятини олади.

## II. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ЭНЕРГИЯНИ ХИСОБГА ОЛИШ

2.1. Энергия истеъмолининг йиллик шартномавий хажми:

Актив 59700 кВт.с. реактив — кВар.с

2.2. Етказиб бериладиган энергиянинг Шартнома тузилган кунидаги умумий нархи 450 сўмни, тариф бўйича 26 865 000 ташкил этади.

*тариф тури: табақалаштирилган, бир ставкали ёки ахолига тенглаштирилган, (кераклиси ёзилсин)*

2.3. Истеъмолчига етказиб бериладиган энергиянинг ойлар кесимидаги йиллик хажми ушбу Шартномага 1-иловада келтирилган.

2.4. Истеъмолчи томонидан олинган энергиянинг хак тўланадиган хакикий микдори ушбу Шартномага 2-иловада назарда тутилган хисобга олиш приборларининг курсаткичлари асосида аникланади.

2.5. Истеъмолчиларнинг (маиший истеъмолчилардан ташкари) электр энергиясини хисобга олиш асбоблари, шунингдек электр энергиясини хисобга олишнинг бошка воситалари истеъмолчининг маблағлари хисобига сотиб олинади, давлат киёсловидан ўтказилади, худудий электр тармоклари корхоналари томонидан Бюро билан хамкорликда бепул ўрнатилади, пломбаланади ва руйхатдан утказилади.

## III. ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Энергия учун хисоб-китоблар табакалаштирилган бир ставкали ёки ахолига тенглаштирилган тарифлар асосида амалга оширилади.

3.2. Уланган куввати 750 кВА ва ундан ортик булган Истеъмолчи **(бюджет ташкилотлари, сув таъминоти ташкилотлари, фермер хўжаликлари ва сув истеъмолчилари уюшмаларининг насос станциялари, шунингдек Давлат бюджетидан молиялаштириладиган насос станциялари бундан мустасно)** электр энергияси учун хисоб-китобларни сутка вактларининг табакалаштирилган тариф буйича амалга оширади.

Истеъмол килинган энергия учун табакалаштирилган тариф буйича хисоб-китоблар:

ярим тиғиз пайт – сутканинг ёруғ вақтида (соат $9^{00}$ дан $17^{00}$ гача) – белгиланган тариф бўйича,

тиғиз пайт – энг катта юкламали соатларда (ягона электр энергетика тизимининг энг катта юкламали соатлари: эрталабки энг катта миқдор соат $6^{00}$ -дан $9^{00}$ гача, кечки энг катта миқдор соат $17^{00}$ дан $22^{00}$ гача) белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар миқдорда ўсувчи коэффициентни қўллаш орқали;

тунги пайт – сутканинг қоронғи вақтида (энг кам юкламали соатларида: $22^{00}$ дан $24^{00}$ гача ва $00^{00}$ дан $6^{00}$ гача) – белгиланган тарифга нисбатан 1.5 баравар камаювчи коэффициентни қўллаш орқали амалга оширилади.

Белгиланган тариф II-тариф гуруҳи бир ставкали истеъмолчиларга қўлланиладиган тарифга тўғри келади.

Табақалаштирилган тариф қўлланилмайдиган Истеъмолчига нисбатан энергия учун ҳисоб-китобларда бир ставкали тариф қўлланилади.

Уланган қуввати 750 кВА гача бўлган, электр энергиясини реализация қилишда нархни шакллантиришнинг алоҳида тартиби белгиланадиган ташкилотлар рўйхатига киритилган маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи Истеъмолчилар учун тўловлар Ҳукумат қарори билан белгиланадиган тарифлар бўйича амалга оширади.

3.3. Бир неча тариф гуруҳларига мансуб истеъмолчи билан ҳисоб-китоблар, ҳар бир тариф гуруҳига алоҳида ўрнатилган ҳисобга олиш асбоблари кўрсаткичлари бўйича амалга оширилади

Истеъмолчи томонидан алоҳида ҳисобга олиш приборлари ўрнатиш рад қилинган тақдирда, электр энергияси учун тўловлар фойдаланилаётган энг юқори тариф гуруҳи бўйича ҳисоб китоб қилинади.

Ушбу Шартнома бўйича Истеъмолчи ва Корхона орасидаги ҳисоб-китоб даври бир ой ҳисобланади.

3.4. Истеъмолчи ҳисоб-китоб даври тугагандан сўнг Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг (кейинги ўринларда “Бюро” деб аталади) ваколатли вакили билан биргаликда ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичларини ҳар ойда ёзиб олади ва ушбу Шартноманинг 5-иловасига мувофиқ шаклда энергия сарфи бўйича ҳисобот тузади.

Истеъмолчи Корхонага энергиянинг сарфланиши тўғрисидаги ҳисоботни ўз қўли билан, факсимил, электрон ёки почта алоқаси орқали ҳар ойнинг “20-25” санасигача ҳудудий электр тармоқлари корхонасига тақдим этади.

Бунда, уланган қуввати 750 кВА ва ундан юқори бўлган тўловларни табақалаштирилган тарифда амалга оширадиган Истеъмолчилар бўйича энергия сарфи бўйича ҳисоботда ишлатилган электр энергия (актив ва реактив) тўлиқ ҳажмидан ташқари тиғиз, ярим тиғиз ва тунги пайтларда фойдаланилган энергия ҳажмлари алоҳида ҳам кўрсатилиши шарт.

3.5. Электр энергияси учун амалдаги тарифлар ўзгарган тақдирда, ҳудудий электр тармоқлари корхонаси уларнинг кучга киришидан камида 15 кун олдин қарорни оммавий ахборот воситаларида эълон қилади.

Бунда электр энергияси учун тарифлар ўзгарган санадан қатъий назар, электр таъминоти шартномаси ўз кучида қолади ва истеъмолчи фойдаланилган электр энергияси учун янги тариф кучга кирган кундан бошлаб ҳақ тўлашга мажбурдир

Тариф ўзгарган тақдирда, истеъмолчилар электр энергияси (шу жумладан актив ва реактив энергия)нинг аванс тарикасида тўланган хажми учун тўлов кунидан бошлаб кейинги бир ойдан ортик бўлмаган муддатда қўшимча тўлов тўлашдан озод этилади.

Арифметик хатоликлар, тарифларни нотўғри қўллаш туфайли пайдо буладиган кам ва ортиқча тўловлар тегишли тариф бўйича кВт/соатларда кайта хисоблаб чикилади ва ҳудудий электр тармоклари корхонаси томонидан даъво муддати доирасида кўрсаткичлардаги тафовут ёки кўшимчалар билан биргаликда хисобга олинади".

3.6. Истеъмолчига энергияни етказиб бериш келгуси хисоб-китоб даври бошланишидан олдин энергиянинг шартномавий миқдори киймати учун олдиндан юз фоизлик (100%) хак тўлаш асосида амалга оширилади. Бунда, хисоб-китобни 50 фоиз олдиндан хак тўлаш асосида амалга ошириш хоҳишини билдирган истеъмолчилар хисоб-китоб амалга ошириладиган даврни кўрсатиб, хисоб-китоб даври бошланишидан камида 5 кун олдин билдирги тартибида Бюрога мурожаат қилганлари тақдирда 50 фоиз олдиндан хак тўлаш асосида етказиб беришга йўл қўйилади. Олдиндан ҳақ тўланмаган хамда 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаётган истеъмолчилар томонидан ойнинг охиригача якуний хисоб-китоб амалга оширилмаган ҳолларда мазкур истеъмолчига нисбатан электр тармокларидан тўлик узишгача бўлган чоралар кўрилади.

3.7. Корхона истеъмолчининг энергия сарфи тўғрисидаги хисоботи асосида белгиланган тартибда хисоб-китобни амалга оширади ва беш кун ичида тўлов амалга ошириш учун ҳисоб-фактура ва тўлов хисоб-варағини тақдим этади.

Истеъмолчи турли тариф гуруҳларига тегишли бўлган бир нечта объектга эга бўлса, хар бир тариф гурухи учун тариф кўрсатилган холда умумий хисоб-фактура тақдим этадилади

Корхона томонидан махсус дастурий маҳсулот оркали ҳисоб-фактура ва тўлов хисоб-варағини шакллантирилади ҳамда сотиб олувчи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган ҳолда электрон рақамли имзо билан тасдикланиб, оператор оркали роуминг операторига юборилади.

***(АСОС: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 25.06.2019 йилдаги 522-сонли "Ўзаро ҳисоб-китоблар тизимида электрон шаклдаги ҳисобварақ-фактуралардан фойдаланишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори)***

3.8. Ҳисобга олиш прибори ушбу Шартномага 3-иловага мувофик электр тармокларининг мансублик баланси бўйича фарклаш далолатномаси ва томонларнинг эксплуатация жавобгарлиги асосида аникланадиган электр тармоғининг мансублик баланси чегарасида ўрнатилмаганда, чегарадан ҳисобга олиш прибори ўрнатилган жойгача бўлган участкада энергиянинг технологик сарфланиш ҳажми Истеъмолчи билан биргаликда хисоблаш йўли оркали аникланади ва ушбу шартномага 4-иловага мувофик далолатномада кўрсатилади

Бунда, 750 кВА ва ундан юқори кувватга уланган, табакалаштирилган тарифда тўловларни амалга оширадиган Истеъмолчи учун энергиянинг технологик сарфланиш хажми сутканинг тиғиз, ярим тиғиз ва тунги пайтлари учун алохида аникланиб, мутаносиб равишда жами олинган электр ҳажмининг тегишли пайтларига тўлов ҳақини ёзиш учун қўшиб борилади. *(__6-,7-иловаларни реактив кувватга эга ва технологик бронли истеъмолчилар тўлдиради__)*

3.9 Электр энергияси ягона электр энергетика тизимидан транзит бўйича истеъмолчининг электр тармоғи оркали ҳудудий электр тармоклари корхонасининг электр тармоғига узатилганда, истеъмолчи тармокларидаги электр энергияси технологик сарфининг бир қисми, истеъмолчининг электр тармоғига келиб тушган электр энергиясининг умумий

микдорига нисбатан худудий электр тармоклари корхонасининг электр тармогига истеъмолчи томонидан узатилган электр энергияси микдорига мутаносиб равишда, ягона электр энергетика тизимининг электр тармокларидаги технологик сарфларга ўтказилади.

3.10. Истеъмолчи энергиянинг сарфланиши тўғрисидаги ҳисоботни Шартномада кўрсатилган муддатда такдим этмаган такдирда, Корхона энергия истеъмолининг шартномада кайд этилган микдори бўйича ёки ўтган давр учун хакикатдан истеъмол килинган электр энергияси тўгрисидаги маълумотлар асосида тўлов ҳисоб-варагини ёзади ва Истеъмолчининг шахсий хисоб ракамида бу ҳақида тегишли белги қўйилади.

Бюро хисоблаш приборидан кўрсаткичларни назорат тартибида ёзиб олгандан кейин. Корхона амалда истеъмол килинган электр энергияси учун кайта хисоб-китобни белгиланган тартибда амалга оширилади.

3.11. Бюро истеъмолчилар билан биргаликда истеъмол килинган электр энергиясининг амалдаги микдорини аниклаш учун улардаги электр энергиясини хисобга олиш асбоблари (маиший истеъмолчилардан ташкари) кўрсаткичларини хар ойда ёзиб олиши ва зарур булганда электр энергиясини хисобга олиш асбобларини улаш схемасини текшириб кўриши керак. Истеъмолчи томонидан электр энергияси сарфи тўгрисида худудий электр тармоклари корхонаси ва Бюрога белгиланган шакл буйича ўз кўли билан. факсимил.электрон ёки почта алокаси оркали такдим этилган хисобот юридик шахслар хамда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахслар учун истеъмол килинган электр энергиясининг амалдаги хажмини аниклаш учун асос булиб хизмат килади.

ЭХНАТнинг жорий этилиши муносабати билан истеъмолчиларнинг хисобга олиш асбобларидаги курсаткичлар автоматлаштирилган тизимнинг техник параметрларига мувофик, бирок бир ойда камида бир марта ёки истеъмолчининг буюртмаси буйича ёзиб олинади.

Худудий электр тармоклари корхоналари истеъмолчиларнинг шахсий хисоб-ракам ва хисобга олиш асбобларининг холати хакида батафсил маълумотлар доимий асосда шакллантирилиши ва идоралараро электрон хамкорлик килиш тизимига реал вакт режимида юборилишини таъминлайди.

3.12. Шартномада хисоб-китоб даври учун кўрсатилган энергия микдордан 5 фоиздан ортик микдорда энергия истеъмол килганда. Истеъмолчидан Шартномада курсатилган микдордан ортик истеъмол килинган энергияси жаъми хажми учун белгиланган тарифнинг 1.15 баравари микдорида тулов ундирилади.

Истеъмолчининг энергия хакини тулаш, реактив энергия компенсацияси тарифга устамалар. шунингдек хисобга олинмаган энергияни. (ноконуний фойдаланилган электр энергияси) кайта хисоб-китоби ва пеня буйича карзи булган такдирда, унинг аванс тулови хисобига утказилган маблаглари карзни коплашга йуналтирилади ва аванс тўлови (олдиндан хак тўлаш) сифатида хисобга олинмайди.

Истеъмолчи томонидан Шартномада курсатилган электр энергияси хажмини тулик истеъмол килмаган такдирда, аванс тарикасида туланган маблаглар кайтариб берилмайди ва электр энергия учун кейинги хисоб-китобларда хисобга олинади.

Хисоб-китоб ойидан кейинги календар ой тугагач карздорлик тулов муддати утган деб хисобланади ва тулов муддати ўтган хар бир кун учун истеъмолчига тулов муддати утган сумманинг 0.1 фоизи микдорида, электр энергияси махсус тартибда етказиб бериладиган корхоналар учун эса 0,2 фоиз микдорида пеня хисоблаб ёзилади. Бунда пенянинг умумий микдори, муддати утган туловнинг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. (Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги 511-сонли қарорига асосан)

3.13. Истеъмолчи ва Корхона ҳар ойда, хисоб-китоб даври тамом булгандан кейин беш кун мобайнида узаро хисоб-китобларнинг таққослаш далолатномасини тузади.

Агар "истеъмолчи" солиштирма далолатномасини имзолашдан бош тортса, Энергия таъминоти корхонаси карзни ундириш учун шартномавий хажмдан келиб чиккан холда Истеъмолчининг банкдаги хисоб ракамига тулов талабномаси куйиш йули билан, хамда бир томонлама расмийлаштирилган солиштирма далолатнома асосида "Бюро" томонидан мажбурий ундурувга каратишга,шунингдек суд (судларга) ва давлат солик хизмати органларига такдим этишга хакли.

3.14. Истеъмолчини куйидаги холларда электр тармоқларидан узилади:

шартномавий мажбуриятлари бажарилмаганда:

хисоб-китоблар уз вактида амалга оширилмаганлиги оқибатида фойдаланилган энергия учун карздорлик мавжуд булганда:

Бюро талабномалари бажарилмаганда, шу жумладан, унинг тегишли вакилларига хисобга олиш приборлари кўрсаткичларини олишга йул куйилмаганда:

хисобга олиш приборларини касддан бузганда, кўрсаткичларни узгартириш максадида уларнинг ишлашига ташкаридан аралашиш хатти-харакатлар амалга оширилганда:

электр энергиясидан ўғрлик тарзда фойдаланилгани, электр тармокларига ноконуний уланиш, талон-тарож килиш ёки Электр энергиясидан фойдаланиш коидаларини бузишнинг бошка ҳолатлари аникланганда;

шартнома, электр таъминоти лойихаси ва техник шартлар мавжуд булмаганда;

электр таъминот лойихаси ва техник шартларга мос келмаганда.

3.15. Ҳисобга олинмаган энергия учун амалга оширилган кайта ҳисоб-китоб. Истеъмолчини конун ҳужжатларида белгиланган тартибда Электр энергиясидан фойдаланиш коидаларини бузганлик учун жавобгарликдан озод этмайди.

Бюро ва электр тармоқлари корхоналари томонидан истеъмолчининг ҳақикатдаги карздорликлари мавжуд ёки мавжуд эмаслигига аниклик киритилган ҳолда электр тармокларидан ажратилади

3.16. Истеъмолчи томонидан коидабузарлик холати бартараф этилиб, мавжуд карздорлик ва тулов пайтидаги базавий ҳисоблаш миқдорининг ун баравари миқдорида тўлов ундирилгандан сўнг тармокга кайта уланади (ЭҲНАТга уланган истеъмолчилар бундан мустасно).

3.17. Истеъмолчи электр тармокларининг техник холатини таъминлаш буйича эксплуатация харажатлари учун субистеъмолчилар, истеъмолчи билан субистеъмолчи уртасида тузилган алохида шартнома буйича электр энергиясининг умумий хажмидан олинадиган улушга мутаносиб равишда хак тулайди.

Эксплуатация харажатларини субистеъмолчига бериладиган электр энергияси тарифига кушишга рухсат этилмайди.

3.18. Истеъмолчи электр тармокларининг техник холатини таъминлаш бўйича эксплуатация харажатлари учун субистеъмолчилар, истеъмолчи билан субистеъмолчи уртасида тузилган алохида шартнома бўйича электр энергиясининг умумий хажмидан олинадиган улушга мутаносиб равишда хак тулайди.

Эксплуатация харажатларини субистеъмолчига бериладиган электр энергияси тарифига кушишга рухсат этилмайди.

3.19. Истеъмолчи томонидан истеъмол килинган энергияси учун тулов тарифлари куйидаги холарда ахоли учун белгиланган тарифларга тенглаштирилади;

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 26 апрелдаги "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида" ги ЎРҚ 327-сон Қонуннинг 28-моддасига асосан;

Оилавий корхона турар жойдан бир вақтнинг ўзида унда истиқомат қилган ҳолда товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар курсатиш) учун фойдаланган тақдирда, коммунал инфратузилма хизматлари (электр энергияси, сув таъминоти, канализация, газ таъминоти ва иссиклик таъминоти) ҳақини тулаш аҳоли учун белгиланган тарифлар бўйича ва шартлар асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2003 йил 10 сентябрдаги 525-ф-сонли Фармойишига асосан:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Дин соҳасидаги маънавий-маърифий, таълим ишларини ва фаолиятни янада такомиллаштиришда ижтимоий кумак ва имтиёзлар бериш тугрисида» 2003 йил 22 августдаги 364-сон карорининг 3-бандини бажариш максадида Ўзбекистон Республикаси худудидаги диний ташкилотлар 2003 йилнинг 1 сентябридан бошлаб уларга курсатиладиган коммунал хизматлар (табиий газ, ичимлик суви, иссиклик энергияси, электр энергияси, телефон, окова сув ва маиший чикиндиларни ташиш)га тўловларни аҳоли учун белгиланган тарифлар бўйича тўлайдилар.

## IV. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Истеъмолчи қуйидаги хуқукларга эга:

Истеъмолчининг электр курилмаларини Корхона электр тармокларига техник шартларга мувофик урнатилган тартибда улаш;

сифат курсаткичлари давлат стандартларига мувофик ўрнатилган тартибда электр энергиясини олиш;

электр энергияси етказиб беришнинг тухталиши ёки тўхтатиб қуйилиши сабаблари тугрисида белгиланган тартибда ахборот олиш;

Корхонага истеъмол киладиган энергия ҳажмларининг ўзгартирилиши тугрисида белгиланган тартибда таклифлар киритиш. Бунда энергиянинг Шартномадаги хажмини ўзгартириш бўйича таклиф мўлжалланаётган ўзгартиришдан олдин 10 кундан кечикмай (жорий ой тугагунгача) берилиши ва сураётган кушимча микдор учун 100% олдиндан тулов амалга оширилган булиши лозим;

электр энергияси тўлик ҳажмда етказиб берилмаслиги ёки сифат курсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ бўлмаган электр энергия етказиб берилиши окибатида етказилган зарарни белгиланган тартибда коплатиш;

Шартномани конун хужжатларига мувофик бир томонлама тартибда бекор килиш;

Шартнома бекор килганда фойдаланилмаган энергия микдори учун туланган маблағни кайтарилишини талаб килиш;

энергия етказиб берилиши тўхтатилганда етказилган зарарни коплашни талаб килиш;

электр таъминоти Шартномасини тузишда ва бажаришда юзага келаётган низоларни хал этиш учун судга, монополияга карши давлат органига ёки бўйсунуви бўйича юкори органга (мансабдор шахсга) мурожаат килиш.

Истеъмолчи конун хужжатларига мувофик бошка хуқукларга хам эга бўлиши мумкин.

4.2. Истеъмолчи қуйидагиларга мажбур:

белгиланган энергия истеъмоли режимига риоя этиш;

фойдаланилган энергия учун ўз вактида хак тулаш;

эксплуатация килаётган электр тармоклари, приборлар, электр курилмаларни зарур техник ҳолатини саклаш, шунингдек, электр қурилмаларни эксплуатация қилишда ҳавфсизлик техникаси коидаларига риоя килинишини таъминлаш. Корхонага электр ускуналарининг носозлиги тўғрисида хабар бериш:

электр энергиясидан окилона фойдаланиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

эгаллаб турган биносидан уни бериш,сотиш,ижарага расмийлаштириш ёки бошка сабабларга кура кучиб кетган такдирда, бу хакда электр таъминоти корхонасини ёзма равишда хабардор килиш;

ЭЭХНАТ (АИСКУЭ) тизимини баркарор доимий ишлаб туришини таъминлаш;

энергетика тизимининг «Электрохисоб» компютер дастурига истеъмолчининг бириктирилган телефон ракамига (богланиш нуктасига) «СМС» оркали юборилган хабарнома, огохлантириш хатларига уз вактида муносабатларини билдириш ва зарур холда дархол энерготаъминот корхонасига аниклик киритиш максадида маълум килиш;

энергетика тизимининг «Электрохисоб» компютер дастурига истеъмолчининг бириктирилган телефон раками (богланиш нуктаси)га шунингдек бошка бирон реквизитлари узгарган холда холда истеъмолчи дархол электр таъминоти корхонасига хабар бериши;

Бюро ва "Узэнергоинспекция" конуний курсатмаларини уз вактида бажариш;

Электр курилмаларининг тузилиши коидалари талабларини бажариш;

Бюро ва/ёки Корхона вакилининг ҳисобга олиш приборларини кўздан кечиришига белгиланган тартибда рухсат бериш;

йил мобайнида янгидан ишга тушириладиган электр курилмаларидан фойдаланиш бошланишидан камида бир ой олдин энергиянинг зарур миқдори учун Корхонага буюртманома бериш;

келгуси йил учун энергияга бўлган эхтиёжни аниқлашда энергияни электр тармокларидан узатишда, ишлаб чиқариладиган махсулотнинг (ишлар турларининг) технологик жараёни ишлаб чикариш эхтиёжларига, ишлаб чикариш бинолари ва маъмурий биноларни ёритиш, иситиш, шамоллатиш учун электр энергия сарфини, шунингдек, ушбу электр тармокларига уланган субистеъмолчиларнинг эхтиёжини ҳисобга олиш.

Шунингдек, 5 МВт ва ундан юқори булган кувватга уланган Истеъмолчи, Корхона талабига асосан аниклаш ва хабар беришга мажбур:

истеьмол килинаётган кувватнинг ҳар суткалик, ҳар ойлик сарфи ва амалдаги миқдори,

энергетика тизимининг энг кўп ва энг кам юкламали даврларида реактив энергия ва кувватнинг хар суткалик сарфи,

энергетика тизимининг энг кўп юкламасининг утиш даврида актив энергия (кувват)нинг ҳар 30 дақиқадаги сарфини.

Истеъмолчи конун ҳужжатларига мувофиқ бошка мажбуриятларга хам эга бўлиши мумкин.

Уланган қуввати 250 кВа ва ундан ортиқ бўлган истеъмолчилар мазкур Қоидаларнинг 127-бандида кўрсатилган мажбуриятлар билан биргаликда куйидагиларга мажбур:

махсулот бирлигини ишлаб чиқариш (ишларни амалга ошириш) учун электр энергияси сарфининг техник ва иктисодий жихатдан асосланган илғор нормаларини ишлаб чикиш — умумий ишлаб чиқариш ва технологик; якка тартибдаги ва гуруҳ бўйича; йиллик, чораклик ва ойлик — уларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш технологияси такомиллаштирилиши (узгартирилиши) ва янги техника жорий этилишига қараб қайта кўриб чикиш;

корхона бўйича, шу жумладан кўп энергия сарфлайдиган ускуналар, цехлар ва истеъмолчилар гуруҳлари бўйича электр энергияси балансларини тузиш ҳамда улар асосида ишлаб чиқариш жараёнларида электр энергиясидан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил килиш, электр энергиясининг самарасиз сарфланиши ва исроф бўлишини аниклаш, уларни камайтириш ва бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

келгуси давр учун электр энергиясига бўлган эҳтиёжни ва электр тармокларининг энергия утказиш кобилиятини ошириш, электр таъминоти схемаларини такомиллаштириш

зaруриятини аниклаш максадида (махсулот ишлаб чикаришнинг, бажариладиган иш турларининг мўлжалланаётган прогноз хажмларидан ва электр энергияси сарфи меъёрларидан келиб чикиб, уларни камайтириш ва электр энергиясини тежашни хисобга олган холда) электр энергиясининг бир йил ва келгуси давр учун балансларини тузиш;

махсулот (ишлар) бирлигига электр энергияси сарфининг тасдикланган меъёрларига риоя килиш ва уларни камайтириш буйича белгиланган тадбирларнинг бажарилишини таъминлаш;

электр энергиясини тежаш бўйича (йиллик ва узок истикбол учун) ташкилий-техник тадбирларни ишлаб чикиш ва амалга ошириш.

4.3. Корхона куйидаги хукукларга эга:

Истеъмолчидан Шартномада белгиланган ўз мажбуриятларини кўрсатган даражасида бажаришини талаб этиш;

ушбу шартнома шартлари бажарилмаганда ёки бузилганда Истеъмолчи томонидан етказилган амалдаги зарарни белгиланган тартибда коплатиш;

авария режимида, Бюрони хабардор килиб Истеъмолчини электр тармогидан узиб куйиш;

электр хужалиги объектларида авариявий холатларни олдини олиш ёки уларни бартараф этиш буйича кечиктириб булмайдиган чоралар куриш зарур булганда истеъмолчини огохлантирмай ва у билан келишмай унга энергия етказиб беришни чеклаш;

Бюронинг кўрсатмасига асосан, хамда ЭХНАТга уланган ёки энергияга олдиндан хак тулаш курилмасига эга хисобга олиш прибори булган истеъмолчини олдиндан тўланган хак тугаганда электр тармокларидан узиш.

Корхона конунчиликка мувофик бошка хукукларга хам эга булиши мумкин.

Мазкур Шартномага асосан Истеъмолчини электр тармокларидан узилгандан кейин юзага келган холат учун Корхона ва Бюро жавобгар булмайди.

4.4. Корхона куйидагиларга мажбур:

Истеъмолчига энергияни электр тармоғи оркали электр тармокларининг баланс бўйича мансублик булиниш чегарасигача Шартномада курсатилган хажмда мунтазам етказиб бериш;

ускуналар, электр узатиш линияларини, хисобга олиш приборларидан фойдаланиш, уларга техник хизмат курсатиш ва таъмирлаш, шунингдек, ўз электр хўжалиги объектларидаги носозликларни бартараф килиш.

электр хўжалиги объектларини таъмирлаш билан боғлик электр таъминотидаги кутилаётган узилишлар тўгрисида уч кундан кечикмасдан огохлантириш;

Истеъмолчини электр энергиясини етказиб берилиши тўхтатилиши ва тўхтатилиш сабаблари тўгрисида хабардор килиш;

киритилаётган чеклашлар тўгрисида, чеклашларни хажми ва вакти кўрсатилган холда олдиндан хабар бериш;

электр энергияси тўлик етказиб берилмаганлиги ёки электр таъминотидаги бошка бузилишлар тўғрисидаги Истеъмолчининг аризасини, ариза олинган кундан бошлаб 15 кундан кечиктирмай кўриб чикиш, бартараф этиш ва батафсил жавоб юбориш;

Истеъмолчига ўрнатилган тартибда етказиб берилган энергия хисобини юритиш;

Истеъмолчининг белгиланган тартибда киритилган таклифларига мувофик, ўн кун муддатда электр энергиянинг ойлик шартномавий хажмига ўзгартиришлар киритиш, электр энергиянинг ойлик шартномавий микдорини кўпайтириш (камайтириш) мумкин бўлмаган такдирда – истеъмолчига бу хакда, рад этиш сабабини кўрсатган холда хабар килиш;

Истеъмолчида ўрнатилган ҳисобга олиш приборларини алмаштириш, ўрнатиш ва техник хизмат кўрсатишни, шунингдек Бюро билан бирга пломбалашни таъминлаш;
сифат курсаткичлари давлат стандартига мувофиқ булган электр энергиясини етказиб бериш.

Корхона конунчиликка мувофик бошка мажбуриятларга хам эга булиши мумкин.

